ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАСОЛИЕВ БАХТИЁР ЖУРАМИРЗАЕВИЧ

ИККИ СУЮҚЛИКЛИ БИР БОСИМЛИ МУҲИТДА НОЧИЗИҚЛИ БИР ЎЛЧАМЛИ ТЎЛҚИНЛАРНИ ТАРҚАЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК 519.957

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата дисертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАСОЛИЕВ БАХТИЁР ЖУРАМИРЗАЕВИЧ

ИККИ СУЮҚЛИКЛИ БИР БОСИМЛИ МУҲИТДА НОЧИЗИҚЛИ БИР ЎЛЧАМЛИ ТЎЛҚИНЛАРНИ ТАРҚАЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/FM90 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Имомназаров Холматжон Худайназарович** физика-математика фанлари доктори, (Россия, ҲМ ва МГ ИТИ)
Расмий оппонентлар:	**Алоев Рахматилло Джураевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Хўжаёров Бахтиёр физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» июнь соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» июнь куни тарқатилди.
(2020 йил 18-рақамли реестр баённомаси).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

А. Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

М.М.Арипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда қўшсуюқликли муҳитларда тўлқин жараёнларнинг математик моделларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш масалаларига келтирилади. Қўшсуюқликли муҳит ҳаракатлари математик физика, туташ муҳитлар механикаси, қўшсуюқликлар гидродинамикаси ва математик моделлаштириш каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Қўшсуюқликли умумий босимли диссипацияли муҳит ҳаракатининг термодинамик мосланган ва такомиллашган математик модели икки суюқликдан ташкил топган суюқликларнинг ҳаракатини тавсифлашда ишлатилади. Бундай ҳаракатлар одатда ночизиқли тенгламалар билан тавсифланади. Шу сабабли қўшсуюқликли муҳитларда тўлқин тарқалишининг ночизиқли математик моделлари учун сонли ҳисоблаш усуллари ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда турли оқимларни кўпсуюқлилик эффектларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда кузатилаётган жараёнларнинг адекват математик моделларини қуриш қўшсуюқликли гидродинамиканинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Қўшсуюқликли муҳитлар ҳаракатларини компоненталарнинг дастлабки тузилиши ва физикавий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, янги параметрларни киритиш ҳамда бир суюқли оқим тенгламаларига қараганда анча мураккаб бўлган тенгламаларни ечишни талаб этади. Умумий босимли қўшсуюқликли муҳитнинг математик модели учун спектрал таҳлилни амалга ошириш ва умумий босимли қўшсуюқликли муҳитнинг бир ўлчамли тенгламаларини сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган қўшсуюқликли муҳитлар механикасини ўрганишни кучайтиришга алоҳида эътибор кучайтирилди, хусусан, қўшсуюқликли муҳит ҳаракатининг хоссалари ва қўшсуюқликли муҳитлар механикасининг математик моделларини қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада мақсадли илмий-тадқиқотларни, шу жумладан, қўшсуюқликли муҳит ҳаракатларининг қонунлари ва ҳусусиятларини технологик жараёнлар ва саноатда ишлатиладиган қурилмалар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда “Математик физика, амалий математика ва математик моделлаштириш” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди.[1]. Қарор ижросини таминлашда

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори

қўшсуюқликли бир босимли муҳитда ночизиқли тўлқинлар тарқалишининг математик моделини қуриш ва улар учун спектрал таҳлилни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувидаги маърузаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп компонентали муҳитни тавсифлаш учун математик моделларни ишлатиш тарихи Л.Д.Ландау, Е.М.Лифшиц, И.Пригожин ва П.Мазур (суюқ гелий гидродинамикасига бағишланган ишлар), Ф.И.Франкль ва С.Г.Телетов (икки фазали муҳитларнинг гидродинамик тенгламаларини ўртачалаштириш методи ёрдамида олиш), С.С.Кутателадзе ва М.А.Стырикович (газ-суюқлик оқимларининг гидравликаси) олимларнинг ишларидан бошланади. Икки фазали муҳитни моделлаштиришда икки хил бир тезликли ва икки тезликли ёндошувларни эътироф этиш мумкин (Нигматулин, 1978). Биринчи ёндошувда гетероген хусусиятлар кинетик коэффициентлар ва термодинамик параметрлар қийматлари орқали ёхуд тенгламаларга бошқа фазаларнинг мавжудлигини ҳисобга олувчи қўшимча ҳадларнинг қўшилиши орқали ифодаланади. Иккинчи ёндошувда эса фазалар тезликларининг турли эканлигидан келиб чиқувчи механик ва термодинамик таъсирларни ҳисобга олиб, икки фазанинг биргаликдаги ҳаракатини ифодаловчи тенгламалар қаралади. Икки фазали муҳитни бир тезликли моделллар орқали ўрганишда зичлик, темпирутура, деформация ва тезликларнинг ўртача қиймати қаралади ва бундай ёндошув модел қуришнинг ва сонли усулларни қўллашнинг оддийлиги сабали кенг тарқалгандир.

Сақланиш қонунлари асосида математик моделлар қуришда фақат фундаментал физик тамойиллардан фойдаланилади: сақланиш қонунлари, термодинамик қонунлар ва тенгламаларнинг Галилей – инвариантлиги. Қайтмас жараёнларни ўрганишда энтопиянинг ҳосил бўлиши қайтмас жараёнларнинг чизиқли термодинамик назарияси ёрдамида тавсифланувчи диссипатив функция орқали ифодаланади. Икки фазали муҳитнинг масса, импульс, энергия қонунларига бўйсунувчи ва галилей алмаштиришларига нисбатан инвариант бўлган термодинамик мутаносиб назария P.H. Roberts, D.E. Loper ва В.Н. Доровский томонидан таклиф этилган. Годунов, Роменский ишларида ривожлантирилган оригинал ёндошув сақланиш қонунларини термодинамик мутаносиб тенгламаларнинг гиперболик системаси кўринишида ҳосил қилишга имкон беради. Бу ерда асосий ғоя сақланиш қонунларининг гиперболик системасини ҳосил қилувчи потенциал орқали ифодаланишидадир. Romensky (1998), Toro (2004), Romensky ва б.ш.қ (2007) ишларида икки фазали муҳитнинг бир босимли консерватив моделлари яратилган. Яратилган моделларнинг муҳим хусусиятлари шундаки, тескариланувчи тенгламалар системаси дивергент кўринишда ва натижада фазаларнинг нисбий ҳаракат тезликлари майдони потенциаллик хусусиятига эга.

Кўп компонентали муҳитлар назариясини ривожлантирган муаллифлар қаторига S. Chapman, T. Cowling, S. Truesdell, R. Toupin (1956), G. Carrier (1958), P. Cayley, G. Cliegel, A. Green, P. Naghdi (1961), G. Batchelor, G. Muller (1966), L. Wijngaarden (1971) каби олимларни киритиш мумкин. Бугунги кунда мазкур соҳани мувоффақиятли ривожлантираётган олимлар сифатида В. Н. Доровский, А. М. Блохин, Х. Х. Имомназаров, Н. М. Жабборов ва А. Э. Холмуродовларни эътироф этиш мумкин. Туташ муҳит механикаси тенгламаларининг инвариант (автомодел) ечимларини топиш ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Бу соҳада Л. В. Овсянников, П. Ж. Олвер, С. В. Головин, А. А. Чесноков, А. В. Пановлар самарали илмий-изланишлар олиб бормоқдалар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг MRU-OT-81/2017 рақамли “Математическое моделирование термодинамический согласованной математической модели двухфазных средств в диссипативном приближении с перекрестными эффектами” (2018-2019) Ўзбекистон-Россия лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қўшсуюқликли бир босимли муҳитда ночизиқли тўлқинларни тарқалиш жараёнларини математик моделлаштириш ва диссипатив ҳолда Бюргерс типли тенгламалар системаси учун Коши масаласини ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қўшсуюқликли бир босимли муҳитда ночизиқли тўлқинлар тарқалишининг математик моделини қуриш;

қўшсуюқликли бир босимли муҳитда ночизиқли тўлқин тарқалиш тенгламалар системасини бир ўлчамли ҳолда симметриклаштириш;

умумий босимли қўшсуюқликли муҳитнинг математик модели учун спектрал таҳлилни амалга ошириш;

умумий босимли кўшсуюкликли муҳитнинг бир ўлчамли тенгламаларини сонли ечиш дастурини яратиш;

Бюргерс типли бир ўлчамли тенгламалар системаси учун Коши масаласини ечиш;

кўшсуюкликли умумий босимли муҳитнинг бир ўлчамли тенгламалар системасини группавий хоссаларини топиш;

инвариант ва қисман инвариант ечимлар учун оддий дифференциал тенгламалар системасини излаш.

Тадқиқотнинг объекти кўшсуюкликли муҳитдаги ночизиқли тўлқин жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети кўшсуюкликли муҳитнинг ночизиқли ҳаракатларини математик моделлаштиришда ишлатиладиган ночизиқли математик моделлар, сонли алгоритмлар ва дастурий воситалардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Ночизиқли динамик жараёнларни текширишда математик моделлаштириш, номувозанат термодинамикаси, ҳисоблаш математикаси методлари, дастурлаш технологиялари ҳамда Ли группалари ва алгебралари методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

кўшсуюкликли умумий босимли муҳит ҳаракатининг математик модели такомиллаштирилган;

кўшсуюкликли умумий босимли муҳитнинг математик моделини ифодоловчи тенгламалар системасининг Фридрихс бўйича симметрик *t*-гиперболик кўриниши олинган;

кўшсуюкликли бир босимли муҳитнинг бир ўлчамли тенгламалар системасини сонли ечиш усули ишлаб чиқилган;

бир ўлчамли Бюргерс типли тенгламалар системаси учун Коши масаласининг ечими Вольтерранинг иккинчи тур ночизиқли системасининг ечимига келтирилган;

кўшсуюкликли босим бўйича мувозанатли муҳит бир ўлчамли тенгламалар системасининг группавий хоссалари топилган;

икки тезликли бир босимли гидродинамика тенгламалар системасининг асосий Ли алгебраси базисининг ядроси топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижалари амалиёт нуқтаи назаридан аҳамиятли:

икки компонентали умумий босимли диссипацияли муҳит ҳаракатининг термодинамик мосланган ва такомиллашган математик модели икки суюқликдан ташкил топган суюқликларнинг ҳаракатини тавсифлашда ишлатилиши мумкин;

қурилган математик модель билан тавсифланувчи кўшсуюкликли муҳитдаги жараёнларни сонли тадқиқ этишда диссертацияда ишлаб чиқилган сонли методдан фойдаланиш мумкин;

топилган инвариант ва қисман инвариант ечимлардан математик моделларни текшириш учун таклиф этилаётган сонли усулларни самаралилигини текширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик моделнинг корректлиги, унинг термодинамика қонуниятлари билан мутаносиблиги, текширишнинг математик қатъий олиб борилганлиги, ечимни топишда математик асосланган методлардан фойдаланилганлиги, олинган ечимларнинг бир компонентали суюқлик учун мос аниқ ечим билан мутаносиблиги ҳамда сонли моделлаштириш натижаларини маълум моделли масалаларнинг ечимлари билан қиёсий таҳлилига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Қўшкомпонентали муҳит ҳаракатининг такомиллашган математик модели математик моделлаштириш назариясида аҳамиятли. Қўшсуюқликли муҳит ҳаракатининг дивергент кўринишдаги тенгламалари мос масалаларни ечиш учун самарали сонли методлар қуришда ишлатилади. Инвариант (автомодель) ечимлар бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш учун сонли методларни синовдан ўтказишда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қўшсуюқли муҳитнинг диссертацияда таклиф этилган такомиллашган математик модели бўйича олинган илмий натижалар асосида: қўшсуюқли муҳитнинг такомиллашган математик модели №1.3.1.3. рақамли «Методы создания, исследования и идентификации математических моделей Земли» (2016-2018 йиллар) лойиҳада тўғри масалаларни сонли моделлаштиришда фойдаланилган (Россия Фанлар академиясининг Сибир бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2019 йил 6 ноябрдаги 15301/2-01-27-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қўшсуюқликли муҳитнинг динамик моделининг группавий хоссаларини аниқлаш имконини берган;

қўшсуюқликли бир босимли муҳитнинг бир ўлчамли тенгламалар системасини сонли ечиш усули А-13-38 рақамли «Икки фазали муҳит ночизиқли тўлқин динамикаси учун тўғри ва тескари масалаларнинг назарий ва сонли тадқиқ қилиш» (2015-2017 йиллар) грант лойиҳасида ночизиқли бир ўлчамли Бюргерс типли тенгламалар системаси учун Коши масаласининг сонли ечиш схемасини қуришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4328-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Бюргерс типли тенгламалар системаси учун Коши масаласини сонли ечиш ва натижаларни визуаллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми – 109 бет.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссератациянинг «**Қўшсуюқликли муҳитнинг термодинамик мутаносиб математик модели»** деб номланувчи биринчи боби қўшсуюқликли муҳитнинг ҳаракат тенгламаларини энергия диссипациясини ҳисобга олмаган ҳамда ҳисобга олган ҳолда келтириб чиқаришга бағишланган. Ҳаракат тенгламалари сақланиш қонунларини, термодинамика принципларини ва тенгламаларни Галилей алмаштиришларига нисбатан инвариантликлиги принципи ёрдамида тўлиқ келтириб чиқарилган.

Қуйидаги белгилашларни киритайлик:

t – вақт

V – ҳажм

$\rho_l\,(\rho_1),\ \rho_s\,(\rho_2)$ – суюқликлар зичликлари

$\rho=\rho_s+\rho_l$ – қўшсуюқликли муҳит зичлиги

E – ҳажм бирлигидаги энергия

e – масса бирлигидаги энергия

$E_0\ (e_0)$ – ҳажм (масса) бирлигидаги нисбий энергия

p – босим

T – температура

μ – химик потенциал

$S\ (s)$ – ҳажм (масса) бирлигидаги энтропия

$\mathbf{u},\mathbf{v}$ – суюқликлар тезликлари

$\mathbf{w}=\mathbf{u}-\mathbf{v}$ – нисбий тезлик

$\mathbf{j}$ – импульс зичлиги

$\mathbf{j}_0$ – нисбий импульс зичлиги

Π_{ik} – импульс оқими зичлиги тензорининг қайтар қисми

δ_{ik} – Кронекер символлари;

π_{ik} – импульс оқими зичлиги тензорининг қайтмас қисми

$\mathbf{Q}$ – энергия оқимининг қайтар қисми

$\mathbf{W}$ – энергия оқимининг қайтмас қисми

Иккитезликли гидродинамикада иккита локал тезлик ишлатилади. Бу муҳитнинг ҳар қандай заррачаси ҳаракат давомида ихтиёрий бир вақтда ва ихтиёрий бир жойда мавжуд ва ўзаро аралашувчи заррачалардан иборат. $\mathbf{v}$ тезликли заррачага боғланган саноқ системасига нисбатан термодинамика принципларини ифодалаймиз. Миқдорларнинг бу саноқ системасига нисбатан қийматларни "0" индекс билан белгилаймиз. Термодинамика қонунларидан

$$dE_0 = TdS + \mu d\rho + \left(\mathbf{u} - \mathbf{v},\ d\mathbf{j}_0\right). \tag{1.1}$$

Бу ерда $E_0, T, S, \mu, \rho -$ мос равишда бир ҳажм бирлигидаги нисбий энергия, темпратура, бир ҳажм бирлигидаги энтропия, химик потенциал ва муҳит зичлиги. Суюқликларнинг тезликлари $\mathbf{u}, \mathbf{v}$ билан белгиланган. Суюқликларнинг зичликларини мос равишда ρ_s, ρ_l билан белгилаймиз. (1.1) формуладаги учинчи қўшилувчи нисбий тезлик энергиядан нисбий импульс бўйича олинган ҳосилага тенглигини англатади. (1.1) формулада $\mathbf{j}_0$ – нисбий импульс зичлиги. Қаралаётган саноқ системасида (l) суюқлик тинч, иккинчи (s) суюқлик эса $\mathbf{u} - \mathbf{v}$ тезликка эга. Равшанки, бу ҳолда импульс зичлиги

$$\mathbf{j}_0 = \rho_s \left(\mathbf{u} - \mathbf{v}\right). \tag{1.2}$$

Лаборатория саноқ системаси билан боғланиш қуйидаги Галилей алмаштиришлари билан ифодаланади:

$$E = E_0 + \rho \mathbf{v}^2 / 2 + \left(\mathbf{v}, \mathbf{j}_0\right), \qquad \mathbf{j} = \mathbf{j}_0 + \rho \mathbf{v},\ \rho = \rho_s + \rho_l\,. \tag{1.3}$$

Дастлаб ҳаракат тенгламалари механик энергиянинг диссипациясини ҳисобга олмаган ҳолда келтириб чиқарилади.

Масса, энтропия ва импульс сақланиш қонунларининг ўринли бўлишини талаб қиламиз:

$$\begin{gathered}
\frac{\partial \rho}{\partial t} + \operatorname{div} \mathbf{j} = 0, \\
\frac{\partial S}{\partial t} + \operatorname{div} \mathbf{F} = 0, \\
\frac{\partial j_i}{\partial t} + \partial_k \Pi_{ik} = 0.
\end{gathered} \tag{1.4}$$

Бу тенгламаларда $\mathbf{j} -$ ҳажм бирлигидаги импульс, $\mathbf{F} -$ энтропия оқими, Π_{ik} – импульс оқими зичлигининг тензори – ҳозирча аниқланмаган.

Фараз қиламизки, (s) суюқлик ҳаракати тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлсин:

$$\frac{d\mathbf{v}}{dt} \equiv \frac{\partial \mathbf{v}}{\partial t} + \left(\mathbf{v}, \nabla\right) \mathbf{v} = \alpha \nabla \mu + \beta \nabla \mathrm{T}\,. \tag{1.5}$$

Бу ерда α ва β термодинамик миқдорлар S, ρ ларнинг функциялари бўлиб, улар аниқланиши лозим.

(1.4), (1.5) тенгламалар системасида $\mathbf{j}, \Pi_{ik}, \mathbf{F}$ (қайтар) оқимлар термодинамик миқдорлар ва тезликлар функциясидир. Уларни аниқлаш учун $\mathbf{j}, \Pi_{ik}, \mathbf{F}$ оқимлар қийматларини "0" индексли қийматлари билан Галилей алмаштиришлари билан боғлаймиз. Қуйидаги муносабатлар сақланиш қонунларини Галилей алмаштиришлари нисбатан инваринтлигини таъминлайди:

$$
\begin{gathered}
E = E_0 + \frac{\rho \mathbf{v}^2}{2} + \left(\mathbf{v}, \mathbf{j}_0\right), \\
\mathbf{j} = \mathbf{j}_0 + \rho \mathbf{v}, \\
\mathbf{F} = \mathbf{F}_0 + S\mathbf{v}, \\
\mathbf{Q} = \mathbf{Q}_0 + \left(\frac{\rho \mathbf{v}^2}{2} + \left(\mathbf{j}_0, \mathbf{v}\right) + E_0 \right)\mathbf{v} + \frac{\mathbf{v}^2}{2}\mathbf{j}_0 + \left(\Pi_0, \mathbf{v}\right), \\
\Pi_{ik} = \Pi_{0,ik} + \rho v_i v_k + v_i j_{0,k} + v_k j_{0,i}\,.
\end{gathered} \tag{1.6}
$$

(1.4) сақланиш қонунлари ва (1.5) тенгламалар натижа сифатида энергиянинг сақланиш қонуни айнан бажарилишини таъминлайди:

$$
\frac{\partial E}{\partial t} + \operatorname{div}\mathbf{Q} = 0, \tag{1.7}
$$

бу ерда $\mathbf{Q} -$ (1.6) формулаларга кўра алмашинадиган энергия оқими.

Қўшсуюқлик бирсюқликли муҳитга айланганда одатдаги гидродинамика тенгламалари ҳосил бўлиши учун $\alpha = -1$, $\beta = -S/\rho$ деб қабул қилиш керак. Бундан кейин оқимларни ҳисоблаш учун қуйидаги формулаларни ҳосил қиламиз:

$$
\begin{gathered}
\mathbf{j} = \rho_s \mathbf{u} + \rho_l \mathbf{v}\,,\ \mathbf{F} = \frac{\mathbf{j}}{\rho}, \\
\Pi_{i,k} = \rho_s u_i u_k + \rho_l v_i v_k + p\delta_{ik}, \\
\mathbf{Q} = \left(\mu + \frac{\mathbf{v}^2}{2} \right)\mathbf{j} + \frac{TS}{\rho}\mathbf{j} + \mathbf{u}\left(\mathbf{u}, \mathbf{j}_0\right).
\end{gathered} \tag{1.8}
$$

Ниҳоят, топилган тенгламаларни йиғиб, қўшсуюқли муҳит ҳаракат тенгламаларининг тўла системасини (қайтар гидродинамика) ёзамиз:

$$
\begin{gathered}
\frac{\partial \rho}{\partial t} + \operatorname{div}\mathbf{j} = 0, \\
\frac{\partial S}{\partial t} + \operatorname{div}\left(S\frac{\mathbf{j}}{\rho} \right) = 0, \\
\frac{\partial j_i}{\partial t} + \partial_k\left(\rho_s u_i u_k + \rho_l v_i v_k + p\delta_{ik} \right) = 0, \\
\frac{\partial \mathbf{v}}{\partial t} + \left(\mathbf{v}, \nabla\right)\mathbf{v} = -\frac{\nabla p}{\rho} + \frac{\rho_s}{2\rho}\nabla\left(\mathbf{u} - \mathbf{v}\right)^2, \\
E_0 = E_0\left(\rho, S, \mathbf{j}_0\right).
\end{gathered} \tag{1.9}
$$

Бу ердаги сўнги тенглама муҳитнинг ҳолат тенгламаси деб аталади. Феноменологик назарияда ҳолат тенгламаси келтириб чиқарилмайди, у муҳитнинг тузилишига боғлиқ бўлади ва маълум даражада, тажрибаларда аниқланади.

Энди қайтмас ҳаракат тенгламаларини келтириб чиқарамиз, яъни механик энергиянинг диссипациясини ҳисобга оламиз. Ҳаракатнинг қайтмаслиги барча оқимларда қўшимча қайтмас қисмларни вужудга келишига сабаб бўлади. Табиийки, динамик тенгламаларда қўшимча ҳадларнинг пайдо бўлиши Галилей алмаштиришлари группаси билан мослашган бўлиши керак. Қайтар оқимлар тезликлар ва термодинамик параметрларнинг функцияларидан иборат. Қайтмас оқимлар ҳам тезлик ва термодинамик параметрларга боғлиқ бўлиб, улар энди фазовий градиентларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Аввалгидек қўшсуюқлик зичлиги ташкил этувчи суюқликлар зичликларининг йиғиндисига тенг:

$$\rho = \rho_l + \rho_s. \tag{1.10}$$

Бу зичлик учун массанинг сақланиш қонуни ўринли бўлади

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} + \operatorname{div} \mathbf{j} = 0, \quad \mathbf{j} = \rho_s \mathbf{u} + \rho_l \mathbf{v}. \tag{1.11}$$

Импульснинг сақланиш қонунидаги $\prod_{ik}$ импульс оқимига кўриниши кейинчалик аниқланувчи қайтмас симметрик тензор π_{ik} ни қўшиш лозим

$$\frac{\partial j_i}{\partial t} + \partial_k \left(\prod_{ik} + \pi_{ik} \right) = 0, \tag{1.12}$$

$$\prod_{ik} = \rho_s u_i u_k + \rho_l \upsilon_i \upsilon_k + p\delta_{ik}.$$

Энергиянинг сақланиш қонунидаги $\mathbf{Q}$ оқимга қайтмас оқим $\mathbf{W}$ қўшилади

$$\frac{\partial E}{\partial t} + \operatorname{div}\left(\mathbf{Q} + \mathbf{W} \right) = 0, \tag{1.13}$$

$$\mathbf{Q} = \left(\mu + \frac{\mathbf{v}^2}{2} \right) \mathbf{j} + \frac{TS}{\rho} \mathbf{j} + \left(\mathbf{u}, \mathbf{j}_0 \right) \mathbf{u}.$$

Навье-Стокс тенгламаларига мос ҳолда (1.5) қайтар тенгламаларнинг ўнг томонига энергия диссипацияси мавжуд бўлганда ишқаланиш кучи қўшилади

$$\frac{\partial \mathbf{v}}{\partial t} + \left(\mathbf{v}, \nabla \right) \mathbf{v} = -\nabla \left(\mu + h \right) - \frac{S}{\rho} \nabla T + \mathbf{f}. \tag{1.14}$$

Бундан ташқари, градиент остига диссипатив табиатли h функция қўшилган.

Диссипатив жараённи ҳисобга олиш энтропиянинг ўсишига олиб келади. Натижада энтропиянинг кўчиш тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\frac{\partial S}{\partial t} + \operatorname{div}\left(S \frac{\mathbf{j}}{\rho} + \frac{\mathbf{q}}{T} \right) = \frac{R}{T}, \tag{1.15}$$

бу ерда R-диссипатив функция. (1.10)-(1.15) тенгламалардаги $\pi_{ik}, \mathbf{W}, \mathbf{f}, h, q, R$ миқдорлар номаълум ва улар аниқланиши лозим. Энергиянинг сақланиш қонуни аввалгидек (1.10)-(1.15) тенгламалар системасидан келиб чиқиши керак.

Сақланиш қонунларидан қуйидаги муносабат топилади

$$\frac{\partial E}{\partial t}+\operatorname{div}\left(\mathbf{Q}+\mathbf{q}+(\pi,\mathbf{v})+h(\mathbf{j}-\rho\mathbf{v})\right)=\frac{1}{T}(\mathbf{q},\nabla T)+$$
$$+h\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})+\pi_{ik}\partial_k\upsilon_i+(j_i-\rho u_i)\left(f_i+\frac{1}{\rho_l}\partial_k\pi_{ik}\right)+$$
$$+T\left(\frac{\partial S}{\partial t}+\operatorname{div}\left(\frac{S}{\rho}\mathbf{j}+\frac{\mathbf{q}}{T}\right)\right), \qquad (1.16)$$

бу ерда $(\pi,\mathbf{v})_i=\pi_{ik}\upsilon_k$. (1.16), (1.3.7) ва (1.13) муносабатларни таққослаймиз. Натижада энергия оқимининг қайтмас қисмини ҳамда диссипатив функцияни аниқлаймиз:

$$W_i=q_i+\pi_{ik}\upsilon_k+h(j_i-\rho u_i), \qquad (1.17)$$

$$R=-h\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})-\frac{1}{T}(\mathbf{q},\nabla T)-\pi_{ik}\partial_k\upsilon_i-$$
$$-(j_i-\rho u_i)\left(f_i+\frac{1}{\rho_l}\partial_k\pi_{ik}\right).$$

Бу муносабатлар (1.16) тенгликнинг ушбу $h,\mathbf{q},\pi_{ik},\ f_i+\rho_l^{-1}\partial_k\pi_{ik}$ қайтмас оқимларнинг ихтиёрий қийматларида айнан бажарилишини таъминлайди.

Бир тезликли муҳит ҳолида $(\mathbf{u}\to\mathbf{v})$ ҳозирги назария классик Навье-Стокс назариясига айланиши лозим. Кюри теорамасига кўра, изотроп муҳитда термодинамик оқимлар мос термодинамик кучларнинг чизиқли комбинациясидан иборат бўлиши керак. Бундан ташқари, кинетик коэффициентларнинг симметриклик принципидан фойдаланиб, қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$R=\zeta_2(\operatorname{div}\mathbf{v})^2+2\zeta_1\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})\operatorname{div}\mathbf{v}+\zeta_3\left(\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})\right)^2+$$
$$+\frac{k}{T}(\nabla T)^2+2\bar{\lambda}(\nabla T,\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})+\bar{k}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})^2+$$
$$+\frac{\eta}{2}\left(\partial_k v_i+\partial_i v_k-\frac{2}{3}\delta_{ik}\operatorname{div}\mathbf{v}\right)^2. \qquad (1.18)$$

$$\pi_{ik}=A_{ik}+a\delta_{ik}, \qquad A_{ll}=0, \quad a=\frac{\pi_{ll}}{3}. \qquad (1.19)$$

$$a=-\zeta_1\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})-\zeta_2\operatorname{div}\mathbf{v},\ \ h=-\zeta_3\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})-\zeta_1\operatorname{div}\mathbf{v}. \qquad (1.20)$$

$$f_i+\frac{1}{\rho_l}\partial_k\pi_{ik}=-\lambda\partial_i T-\bar{k}(j_i-\rho u_i),\ q_i=-k\partial_i T-\bar{\lambda}T(j_i-\rho u_i). \qquad (1.21)$$

$$A_{ik}=-\eta\left(\partial_k v_i+\partial_i v_k-\frac{2}{3}\delta_{ik}\operatorname{div}\mathbf{v}\right), \qquad (1.22)$$

$$\zeta_1^2\le\zeta_2\zeta_3, \qquad \zeta_3\ge 0 \qquad (1.23)$$

$$\bar{\lambda}^2 \le \frac{k\bar{k}}{T}, \qquad k \ge 0. \tag{1.24}$$

$$\eta \ge 0 \tag{1.25}$$

Барча қайтмас оқимларни аниқлаб бўлгач, қўшсуюқли муҳитнинг қуйидаги тўла гидродинамик тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\begin{gathered}
\frac{\partial \rho}{\partial t} + \operatorname{div}\mathbf{j} = 0, \quad \mathbf{j} = \rho_s \mathbf{u} + \rho_l \mathbf{v}, \\
\frac{\partial u_i}{\partial t} + (\mathbf{u}, \nabla) u_i = -\frac{1}{\rho}\partial_i p - \frac{\rho_l}{2\rho}\partial_i \mathbf{w}^2 + \\
+\bar{\lambda}\frac{\rho_l}{\rho_s}\partial_i T + \bar{k}\frac{\rho_l}{\rho_s}(j_i - \rho u_i), \\
\frac{\partial v_i}{\partial t} + (\mathbf{v}, \nabla) v_i = -\frac{1}{\rho}\partial_i p + \frac{\rho_s}{2\rho}\partial_i \mathbf{w}^2 - \\
-\bar{\lambda}\partial_i T - \bar{k}(j_i - \rho u_i) + \frac{1}{\rho_l}\partial_k\left(\eta\left(\partial_k v_i + \partial_i v_k - \frac{2}{3}\delta_{ik}\operatorname{div}\mathbf{v}\right)\right) + \\
+\frac{1}{\rho_l}\partial_i\left(\zeta_1 div(\mathbf{j} - \rho\mathbf{u}) + \zeta_2 \operatorname{div}\mathbf{v}\right), \\
\frac{\partial S}{\partial t} + \operatorname{div}\left(\frac{\mathbf{j}}{\rho}S - \frac{k}{T}\nabla T - \bar{\lambda}(\mathbf{j} - \rho\mathbf{u})\right) = \frac{R}{T}, \\
\rho = \rho_s + \rho_l, \qquad E_0 = E_0(\rho, S, \mathbf{j}_0).
\end{gathered} \tag{1.26}$$

Бу ерда диссипатив функция R (1.18) формула билан аниқланади, бундан ташқари термодинамик миқдорлар учун (1.1) ҳам ўринли, муҳитнинг ҳолат тенгламаси $E_0 = E_0(\rho, S, \mathbf{j}_0)$маълум деб ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Қўштезликли гидродинамика тенгламаларининг симметрик ва дивергент кўринишлари**» деб номланган. Бу боб қўшсуюқликли муҳит математик модели тенгламаларини симметриклаштириш ва дивергент кўринишга келтириш ҳамда бир ўлчовли қайтар тенгламалар системасини сонли ечиш масалаларига бағишланган.

Маълумки, баъзи ҳолларда туташ муҳитлар механикасининг математик моделларини тавсифловчи тенгламалар системаси Фридрихс маъносида *t*-гиперболик системага келтирилиши, яъни симметриклаштирилиши мумкин. Эслатайликки, ушбу

$$B_0(\mathbf{Q})\frac{\partial}{\partial t}\mathbf{Q} + \sum_{K=1}^{3} B_k(\mathbf{Q})\frac{\partial}{\partial x_k}\mathbf{Q} = \mathbf{0}, \tag{2.1}$$

бунда $B_\alpha, \alpha = \overline{0,3}, -n$ тартибли квадрат матрицалар, $\mathbf{Q} = (q_1,...,q_n)^T$ номаълумлар устуни, квазичизиқли дифференциал тенгламалар системаси қуйидаги шартлар бажарилганда Фридирхс маъносида *t*-гиперболик система деб аталади:

$$\begin{cases} a) B_\alpha = B_\alpha^T, \\ b) B_\alpha > 0, \end{cases} \quad (\alpha = \overline{0,3}) \tag{2.2}$$

Бу ерда B_α^T – транспонерланган матрица. Тушунарлики, системанинг квазачизиқлилиги натижасида a, b шартлар (айниқса b шарт), одатда, $\mathbf{Q} = \mathbf{Q}(t, \mathbf{x})$, $\mathbf{x} = (x_1, x_2, x_3)$ силлиқ ечимларда текширилади.

Қўшсуюқликли муҳитнинг қайтар динамик тенгламаларини симметрик кўринишга келтирайлик.

(1.26) тенгламалар системаси бир ўлчамли ҳолда, ёпишқоқлик ва массавий кучларни ҳисобга олмаганда қуйидаги кўринишга келади:

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} + \frac{\partial (\rho u)}{\partial x} = 0, \tag{2.3}$$

$$\frac{\partial \sigma}{\partial t} + \frac{\partial (\sigma v)}{\partial x} = 0, \tag{2.4}$$

$$\frac{\partial u}{\partial t} + u\frac{\partial u}{\partial x} = -\frac{1}{\bar{\rho}}\frac{\partial P}{\partial x} - \frac{\sigma}{2\bar{\rho}}\frac{\partial}{\partial x}(u-v)^2, \tag{2.5}$$

$$\frac{\partial v}{\partial t} + v\frac{\partial v}{\partial x} = -\frac{1}{\bar{\rho}}\frac{\partial P}{\partial x} - \frac{\rho}{2\bar{\rho}}\frac{\partial}{\partial x}(u-v)^2, \tag{2.6}$$

бу ерда $\rho = \rho_s$, $\sigma = \rho_l$, $\bar{\rho} = \rho + \sigma$ (белгилашлар ўзгарди).

(2.3) – (2.6) тенгламалар системасини $\{\rho, \sigma, u, v\}$ номаълумлардан $\{\rho, \sigma, w, j\}$ янги номаълумларга ушбу $w = u - v$, $j = \rho u + \sigma v$ формулаларга кўра ўтиб, симметрик (дивергент) кўринишга келтириш мумкинлиги исботланган.

Бу система қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{cases} \dfrac{\partial \rho}{\partial t} + \dfrac{\partial}{\partial x}(\rho \dfrac{j + \sigma w}{\bar{\rho}}) = 0, \\ \dfrac{\partial \sigma}{\partial t} + \dfrac{\partial}{\partial x}(\sigma \dfrac{j - \rho w}{\bar{\rho}}) = 0, \\ \dfrac{\partial w}{\partial t} + \dfrac{\partial}{\partial x}(w \dfrac{j - \rho w}{\bar{\rho}}) = 0, \\ \dfrac{\partial j}{\partial t} + \dfrac{\partial}{\partial x}(\dfrac{j^2}{\bar{\rho}} + \dfrac{\rho \sigma w^2}{\bar{\rho}} + \mathrm{P}) = 0. \end{cases} \tag{2.7}$$

Теорема 1. (2.3) – (2.6) **ҳаракат тенгламалар системаси янги** $w = u - v$, $j = \rho u + \sigma v$ миқдорларни киритиш ёрдамида қуйидагича матрицавий кўринишда ёзилиши мумкин:

$$\frac{\partial U}{\partial t} + \frac{\partial F(U)}{\partial x} = 0, \tag{2.8}$$

бу ерда

$$U=\begin{pmatrix}\rho\\ \sigma\\ w\\ j\end{pmatrix},\quad F(U)=\begin{pmatrix}\rho\dfrac{j+\sigma w}{\bar\rho}\\ \sigma\dfrac{j-\rho w}{\bar\rho}\\ w\dfrac{j-\rho w}{\bar\rho}\\ \dfrac{j^2}{\bar\rho}+\dfrac{\rho\sigma w^2}{\bar\rho}+P\end{pmatrix},$$

матрицали кўринишида ёзиш мумкин.

(2.8) тенгламани қуйидаги кўринишда ҳам ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial U}{\partial t}+A\frac{\partial U}{\partial x}=0,$$

бунда

$$A=\frac{1}{\bar\rho^2}\begin{pmatrix} j\sigma+w\sigma^2 & -j\rho+w\rho^2 & \bar\rho\rho & \bar\rho\rho\sigma\\ -j\sigma-w\sigma^2 & j\rho-w\rho^2 & \bar\rho\sigma & -\bar\rho\rho\sigma\\ -jw-w^2\sigma & -jw+w^2\rho & \bar\rho w & \bar\rho j-2\bar\rho w\rho\\ \bar\rho^2P_{\bar\rho}-j^2+w^2\sigma^2 & \bar\rho^2P_{\bar\rho}-j^2+w^2\rho^2 & 2\bar\rho j & 2\bar\rho^2P_{\bar w}w+2\bar\rho w\rho\sigma\end{pmatrix}.$$

Муҳитнинг ҳолат тенгламаси

$$P=P(\bar\rho)$$

кўринишда бўлган ҳол ўрганилган.

Бу ҳолда қуйидаги матрицали кўринишда ёзилган тенгламалар системаси ҳосил бўлади:

$$\frac{\partial U}{\partial t}+B\frac{\partial Q}{\partial x}=0,$$

бунда,

$$Q=\begin{pmatrix}\rho\\ \sigma\\ u\\ v\end{pmatrix},\quad B=\begin{pmatrix} u & 0 & \rho & 0\\ 0 & v & 0 & \sigma\\ \dfrac{P_{\bar\rho}}{\bar\rho} & \dfrac{P_{\bar\rho}}{\bar\rho} & u-\dfrac{\sigma w}{\bar\rho} & \dfrac{\sigma w}{\bar\rho}\\ \dfrac{P_{\bar\rho}}{\bar\rho} & \dfrac{P_{\bar\rho}}{\bar\rho} & \dfrac{\rho w}{\bar\rho} & v-\dfrac{\rho w}{\bar\rho}\end{pmatrix}.$$

B матрицанинг хос сонлари унинг характеристик тенгламасидан топилади.

$$(v-\lambda)\Big[(u-\lambda)\Big\{(u-\lambda)^2-2w(u-\lambda)+\bar\rho^{-1}\sigma w^2-P_{\bar\rho}\Big\}+2\bar\rho^{-1}\rho P_{\bar\rho}w\Big]=0$$

Демак, $\lambda_1=v$ хос сон бошқа хос сонлар эса,

$$(u-\lambda)^3-2w(u-\lambda)^2+(u-\lambda)(\bar\rho^{-1}\sigma w^2-P_{\bar\rho})+2\bar\rho^{-1}\rho P_{\bar\rho}w=0.$$

куб тенгламани қаноатлантиради.

Ушбу

$$z=\frac{u-\lambda}{\sqrt{P_{\bar\rho}}},\ \alpha=\frac{w}{\sqrt{P_{\bar\rho}}}. \tag{2.9}$$

белгилашларни киритиб,

$$f(z)=z^3-2\alpha z^2-z(1-\bar\rho^{-1}\sigma\alpha^2)+2\bar\rho^{-1}\rho\alpha=0 \tag{2.10}$$

соддароқ тенгламани ҳосил қиламиз.

1-расмда $f(z)$ функциянинг $\frac{u}{\sqrt{P_{\bar\rho}}}=0.1,\ \frac{v}{\sqrt{P_{\bar\rho}}}=0.3,\ \frac{\rho}{\bar\rho}=0.2$ ва $\frac{\sigma}{\bar\rho}=0.8.$ қийматларидаги графиги келтирилган.

$f(z)$ функция 3 та ҳақиқий илдизга эга.



1-расм. $f(z)$ функция графиги.

α параметрнинг кичик қийматларида $f(z)$ функциянинг илдизларини $z(\alpha)$ ни α даражалари бўйлаб қаторга ёйиб топамиз.

Айтайлик,

$$z(\alpha)=z_0+\alpha\beta+\ldots \tag{2.11}$$

бўлсин.

(2.11)ни (2.10) тенгламага қўйиб, α етарлича кичик деб ҳисоблаб, қуйидаги тенгликка келамиз (иккита ҳад сақланган).

$$\alpha^0(z_0^3-z_0)+\alpha^1(3z_0^2\beta-2z_0^2-\beta+2\bar\rho^{-1}\rho)=0.$$

Бу айниятнинг бажарилиши учун α нинг даражалари олдидаги коэффициентлар нолга тенг бўлиши керак. Бундан

$$\lambda_1=v,\ \lambda_2=u-2\bar\rho^{-1}\rho w,\ \lambda_3=u-\sqrt{P_{\bar\rho}}-\bar\rho^{-1}\sigma w,$$

$$\lambda_4=u+\sqrt{P_{\bar\rho}}-\bar\rho^{-1}\sigma w.$$

B матрицанинг хос сонлари $P=P(\bar\rho)$ бўлганда алмаштириш аниқлигида (2.4) – (2.7) система A матрицасининг хос сонлари билан бир хил. Дивергент ўзгарувчилар терминида хос сонлар қуйидагича топилади:

$$\lambda_1=\frac{j-\rho w}{\bar\rho},\ \ \lambda_2=\frac{j+\sigma w-2\rho w}{\bar\rho},\ \lambda_3=\frac{j}{\bar\rho}-\sqrt{P_{\bar\rho}},\ \lambda_4=\frac{j}{\bar\rho}+\sqrt{P_{\bar\rho}}.$$

Юқорида келтирилган ҳисоблашлар (2.8) тенгламалар системасига HLL (Harten, Lax, Leer)-методини қўллашга имкон беради:

$$\frac{\partial U}{\partial t}+\frac{\partial F(U)}{\partial x}=0,$$

$$U_i^{n+1}=U_i^n-\frac{\tau}{h}(\mathcal{F}_{i+1/2}^n-\mathcal{F}_{i-1/2}^n)=0,\ i=\overline{0,I},\ n=\overline{0,N}$$

$$\mathcal{F}_{i+1/2}^n=\frac{M_{i+1}^nF_i^n-m_i^nF_{i+1}^n+M_{i+1}^nm_i^n(U_{i+1}^n-U_i^n)}{M_{i+1}^n-m_i^n}$$

$$\mathcal{F}_{i-1/2}^n=\frac{M_i^nF_{i-1}^n-m_{i-1}^nF_i^n+M_i^nm_{i-1}^n(U_i^n-U_{i-1}^n)}{M_i^n-m_{i-1}^n}$$

$$M_i^n=\max(\lambda_{k,i+\frac{1}{2}}^n,0),\ k=\overline{1,4}\qquad m_i^n=\min(\lambda_{k,i+\frac{1}{2}}^n,0),\ k=\overline{1,4}$$

Муҳитнинг ҳолат тенгламаси

$$P=\overline{\rho}^3$$

кўринишда деб ҳисоблаймиз.

Хос сонлар қуйидаги формулаларга кўра ҳисобланади:

$$\lambda_{1,i+\frac{1}{2}}^n=\frac{j_{i+1/2}^n-\rho_{i+1/2}^nw_{i+1/2}^n}{\rho_{i+1/2}^n+\sigma_{i+1/2}^n},\qquad \lambda_{2,i+\frac{1}{2}}^n=\frac{j_{i+1/2}^n+\sigma_{i+1/2}^nw_{i+1/2}^n-2\rho_{i+1/2}^nw_{i+1/2}^n}{\rho_{i+1/2}^n+\sigma_{i+1/2}^n},$$

$$\lambda_{3,i+\frac{1}{2}}^n=\frac{j_{i+1/2}^n-\sqrt{3}(\rho_{i+1/2}^n+\sigma_{i+1/2}^n)^2}{\rho_{i+1/2}^n+\sigma_{i+1/2}^n},\ \lambda_{4,i+\frac{1}{2}}^n=\frac{j_{i+1/2}^n+\sqrt{3}(\rho_{i+1/2}^n+\sigma_{i+1/2}^n)^2}{\rho_{i+1/2}^n+\sigma_{i+1/2}^n},$$

бу ерда

$$\rho_{i+1/2}^n=\frac{\rho_i^n+\rho_{i+1}^n}{2},\quad \sigma_{i+1/2}^n=\frac{\sigma_i^n+\sigma_{i+1}^n}{2},$$

$$w_{i+1/2}^n=\frac{w_i^n+w_{i+1}^n}{2},\quad j_{i+1/2}^n=\frac{j_i^n+j_{i+1}^n}{2}.$$

$i=0$ бўлганда

$$U_0^{n+1}=U_0^n-\frac{\tau}{h}(\mathcal{F}_{1/2}^n-\mathcal{F}_{-1/2}^n)=0,$$

$$\mathcal{F}_{1/2}^n=\frac{M_1^nF_i^n-m_0^nF_1^n+M_1^nm_0^n(U_1^n-U_0^n)}{M_1^n-m_0^n},$$

$$\mathcal{F}_{-1/2}^n=\frac{M_0^nF_{-1}^n-m_{-1}^nF_0^n+M_0^nm_{-1}^n(U_0^n-U_{-1}^n)}{M_0^n-m_{-1}^n}$$

−1 индексни 0 деб ҳисоблаймиз. У ҳолда

$$\mathcal{F}_{-1/2}^n=F_0^n,$$

$$U_0^{n+1}=U_0^n-\frac{\tau}{h}(\mathcal{F}_{1/2}^n-\mathrm{F}_0^n)=0.$$

$i=I$ бўлганда

$$U_I^{n+1}=U_I^n-\frac{\tau}{h}(\mathcal{F}_{I+1/2}^n-\mathcal{F}_{I-1/2}^n)=0,$$

$$\mathcal{F}_{I+1/2}^n=\frac{M_{I+1}^nF_i^n-m_I^nF_{I+1}^n+M_{I+1}^nm_I^n(U_{I+1}^n-U_I^n)}{M_{I+1}^n-m_I^n},$$

$$\mathcal{F}_{I-1/2}^{n} = \frac{M_I^n F_{I-1}^n - m_{I-1}^n F_I^n + M_I^n m_{I-1}^n (U_I^n - U_{I-1}^n)}{M_I^n - m_{I-1}^n}.$$

$I+1$ индексни I деб ҳисоблаймиз. У ҳолда

$$\mathcal{F}_{I+1/2}^{n} = F_I^n, \quad U_I^{n+1} = U_I^n - \frac{\tau}{h}(\mathcal{F}_I^n - \mathcal{F}_{I-1/2}^n) = 0,$$

$$\rho_{I+1/2}^n = \rho_I^n, \qquad \sigma_{I+1/2}^n = \sigma_I^n,$$

$$w_{I+1/2}^n = w_I^n, \qquad j_{I+1/2}^n = j_I^n.$$

Равшанки, зичликлар ва тезликлар ўзгармас бўлганда қўлланилган метод уларни қийматларини ўзгармас ҳолда сақлайди. Бу тасдиқ синов ҳисобида текшириб кўрилди.

Сонли ҳисоблашлар қуйидаги бошланғич қийматларда амалга оширилди:

$$I = 21,\ N = 200,\ h = 0.1,$$

$$\rho_i^0 = 0.7\bar{\rho}_i^0,\ \sigma_i^0 = 0.3\bar{\rho}_i^0,\ u_i^0 = 0,\ v_i^0 = 0,$$

